

УЎК.631.574/577:633.39

ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИДА ИШЛОВЧИ ИШЧИЛАР МЕХНАТ ШАРОИТИ, МЕХНАТ ОҒИРЛИГИ ВА КЕСКИНЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Иброҳимов Камол Исроил ўғли
Бухоро давлат тиббиёт институти
умумий гигиена кафедраси ассистенти

Аннотация. Илмий тадқиқот маълумотларга кўра, чорвачилик комплексларида ишловчи ишчилар меҳнатининг ишнинг оғирлиги ва кескинлигини баҳолашда қўйдагиларни инобатга олиш зарур: меҳнат шароитларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёр, қоида ва йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш; оғир, ноқулай, зарарли ва хавфли ишларда меҳнатнинг бошқа алоҳида шарт-шароитларида банд бўлган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва компенсацияларни белгилаш; ходимларни иш жойларидаги меҳнат шароити, саломатликни издан чиқишига мавжуд хавфи, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш; иш жойларида меҳнат шароитини назорат қилиш; касбий хавфни баҳолаш; ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш; меҳнат шароитларининг синфини аниқлаш; касб касаллигига шубҳа туғилганда касалликнинг касб билан боғлиқлиги ҳамда ташхислаш; ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни чеклашни асослаш, ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб, лавозим ва кўрсаткичларни имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчиларга тегишли деб топиш; жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш фонди маблағлари ҳисобига корхонада меҳнат шароит ва муҳофазасини яхшилаш тадбирларини режалаштириш ва молиялаштириш; хизматчи ва ишчи касбий лавозимлари номларини асосий лавозимлар классификаторида ҳамда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларида кўрсатилган номларга мувофиқлаштириш; корхонада меҳнат шароити ва муҳофазасининг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун асос ҳисобланади.

Калит сўзлар. чорвачилик комплекслари, ишнинг оғирлиги ва кескинлиги, ишчи касбий лавозимлари, меҳнат шароит.

ОЦЕНКА УСЛОВИЙ ТРУДА, НАПРЯЖЕННОСТИ И НАПРЯЖЕННОСТИ ТРУДА РАБОТНИКОВ ЖИВОТНОВОДЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ

*Иброхимов Камол Исроилвич
Ассистент кафедры общей гигиены Бухарского государственного
медицинского института*

Абстрактный. По данным научных исследований при оценке тяжести и напряженности труда работников животноводческих комплексов следует учитывать: соответствие условий труда требованиям стандартов, правил и инструкций по охране труда; назначение льгот и компенсаций, предусмотренных законодательством, работникам, занятым на тяжелых, некомфортных, вредных и опасных работах с другими особыми условиями труда; защита работников от воздействия условий труда, рисков для здоровья, вредных и опасных производственных факторов; контроль условий труда на рабочих местах; оценка профессионального риска; обеспечение работников средствами индивидуальной защиты; определение класса условий труда; при подозрении на профессиональное заболевание заболевание связано с профессией и диагнозом; обоснование ограничений труда для отдельных категорий работников, определение производства, учреждения, работы, профессии, должности и показателей, соответствующих дающим право на льготное пенсионное обеспечение; в том числе планирование и финансирование мероприятий по улучшению условий и охраны труда на предприятии за счет фонда охраны труда; приведение наименований профессиональных должностей служащих и рабочих в соответствие с наименованиями, указанными в классификаторе базовых должностей и в сетевых тарифно-квалификационных справочниках должностей служащих и профессий рабочих; она является основой сбора и обработки информации о состоянии условий и охраны труда на предприятии.

Ключевые слова. животноводческие комплексы, тяжесть и интенсивность труда, профессиональные позиции работников, условия труда.

Материал ва усуллар. Асосий ишчи ўринлари ҳавоси таркибидаги зарарли кимёвий моддаларни ўлчаш 212 та (ўлчов бирлиги), иш ўринлари ҳавосининг чангланганлигини баҳолаш 212 та (ўлчов бирлиги), шовқин ва тебраниш даражасини ўлчаш 212 та (ўлчов бирлиги), микроклим кўрсаткичларини ўлчаш 212 та (ўлчов бирлиги), меҳнатнинг оғирлигини ўлчаш ва меҳнат сарфи кўрсаткичлари аниқлаш[12,14].

Натижалар: Шофиркон ва Пешку туманлари чорвачилик комплексларида иш шароитининг тиғизлиги таҳлил қилганда қуйидагилар аниқланди: соғин ва гўштга боқиладиган сигирларни парваришлайдиган ишчиларда 88-90 %, бузоқчаларни парваришлайдиган -ишчиларда 75-78 %, сут соғувчиларда 55-45 %, омухта ем тайёрлаш цехида 79-72 %, кушхона қассобларида 40-35 %, чорва

моллари хоналарини тозаловчи ишчиларда 65-70 %ни, ветеринария бўлими ходимларида 60-75 %ни ташкил этади, ёрдамчи бинолар ходимлари(назорат бўлими) 7-9% ни ташкил этди (1 жадвал).

1.жадвал

Чорвачилик комплекси ишчи-хизматчиларининг иш фаолиятининг тиғизлик кўрсаткичлари

Т/р	Бўлимлар ишчи-хизматчилари	Иш тиғизлиги % ҳисобида	
		«Отабек Д» чорвачилик комплекси	«Хастинапур» чорвачилик комплекси
1	Соғин ва гўштга боқиладиган чорва моллари ҳизматчилари	88	90
2	Бузоқчаларни парваришлайдиган ишчилар	75	78
3	Сут соғувчилар	55	45
4	Омухта ем тайёрлаш цехи ишчилари	79	72
5	Кушхона қассоблари	40	35
6	Чорва молларини тозаловчилар	65	70
7	Ветеринария ходимлари	60	75
8	Ёрдамчи бинолар ходимлари(назорат бўлими)	7	9

Чорвачилик комплекслари кўпчилик технологиясини қора молларни озиклантириш, хоналарни тозалаш, гўнглари чикариш, омухта ем тайёрлаш, сигирларни соғиш автоматлашган ва механизациялашганлигига қарамасдан хоналарни тозалаш, гўнглари транспортёрга юклаш қора молларга озик тарқатишнинг айрим жараёнлари ишчилардан қўшимча жисмоний меҳнатни талаб қилади[6,7,8]. Демак, жадал мушак фаолияти, айрим технологик жараёнлар ишчи хизматчилардан қоматнинг мажбури эгилиши, юқори ва қўш ҳаракат аъзолари, елка мушаклари, бел умуртқа аъзоларига юқори жисмоний босимни пайдо бўлишига олиб келади. Станоклар хоналари тозалаш, молларга озика тарқатиш, гўштга мўлжалланган молларни сўйишда ишчилар мингтадан иккимингтагача бир турдаги ҳаракатни бажарадилар[10,11]. Шунинг билан бир қаторда молларга ветеринария хизмати кўрсатиш, уларни ўлчаш, эмлаш, кастрасия қилишга катта жисмоний куч сарфланади.

Шуни алоҳида такидлаш керакки, катта молларни парваришловчи, озика тарқатувчи ишчилар ҳар сменадан 4-6 км йўл босадилар. Чорвачилик комплекси

асосий бўлимлари ишчилари, ветеринария хизматини ходимларида белгиланган режимни қатъий сақлаш, белгиланган ўрнатиш, жадвал тартибига риоя қилиш, ҳайвонлар соғлиги олдидаги жавобгарликни ҳис этган ҳолатда қайта асаб эмоционал босим пайдо бўлади[4,5,6]. Чорва ҳайвонлари билан бевосита мулоқот натижасида ишчи- хизматчиларда турли шикастланишлар ва зооантропоноз касаликларига дучор бўладилар.

СанНваҚ 0141-03 сон «Ишлаб чиқариш муҳитига доир зарарли ва хавфли омиллар, иш жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги бўйича меҳнат шароитининг таснифи» гигиеник меъёрига мувофиқ, асосий касбий гуруҳлардаги ишчиларнинг иш шароитининг оғирлиги ва кескинлигини ажратишга имкон беради.

Меҳнат шароитини баҳолашда меҳнат жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги баҳолашда қуйидаги кўрсаткичларни яъни меҳнатнинг оғирлигининг баҳолашда: иш ҳаракатининг стереотипи, иш ҳолати, смена давомида эгилишлар сони, фазода ҳаракатлар сони, статик зўриқиш[4,7].

Меҳнат жараёнининг кескинлиги: ишнинг монотонлиги, сенсор зўриқиш, интеллектуал зўриқиш, кўриш анализаторига тушадиган зўриқиш, иш вақти, баҳолашдан иборат.

Меҳнат шароитларининг оғирлик кўрсаткичлари эса иш шароитини баҳолаш, технологик жараёнга боғлиқ ҳолда, иш куни давомида кўтариладиган юкнинг массаси, иш ҳолати, стереотипли ҳаракатларининг миқдори, тананинг эгилиш ҳолати, иш жойларидаги ҳаракатларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилади[11,13,14].

Хулоса. Соғин ва гўштга боқиладиган молларни парваришлаш биносидаги иш жараёнининг оғирлигини баҳолашда қуйидаги омиллар бўйича, яъни, кимёвий омиллар, чангланганлик, микроблар бўйича ифлосланганлик даражасида, шовқин, микроиқлим, меҳнатнинг егилли даражаси ва оғирлик даражасининг натижалари умумлаштирилган тартибда баҳоланди ва натижалар келтирилган бўлиб, умумий оғирлик даражаси бўйича 3.2-синфга киритилган. Омухта ем тайёрлов цехи ва туғруқхона бўлими ишчиларининг меҳнат шароити ҳам 3.2-синфга киритилган[6,7,9]. Сут соғувчилари ва қушхона ва молхонани тозаловчиларнинг ишчиларнинг меҳнат шароити 3.1-синфга киритилган. Лабарант, ветеринар, қоровул ва ҳисобчиларнинг меҳнат шароити бўйича оғирлик даражаси 2,0-синфга киритилган[10,11].

Соғин ва гўштга боқиладиган молларни парваришлаш, туғруқхона ишчилари, сут соғувчилар, қушхона ишчиси, омухта ем тайёрлов цехи ишчилари ҳамда молхонани тозаловчи ишчилар иш жараёнининг оғирлигини кимёвий омиллар натижаси асосида баҳоланганда 3,1 синфга, чангланганлик бўйича 2,0

синфга, шовқин бўйича 3,1синфга, микроклим кўрсаткичлари бўйича 2,0 синфга, меҳнат тифизлиги бўйича 2 синфга киритилган.

Лабарант, ветеринар, қоровул ва ҳисобчилар иш жараёнинг оғирлиги кимёвий омиллар, чангланганлик, микроблар бўйича ифлосланганлик даражасида, шовқин, микроклим, меҳнатнинг тифизлиги даражаси ва оғирлик даражасининг натижалари бўйича баҳоланганда 2 синфга киритилган. Чорвачилик комплексида ишчи- хизматчилар меҳнати ўрта даражадаги жисмоний меҳнат турига киради. Айрим технологик жараёнлар камайишни боқилган мажбурий ҳолатида юқори жисмоний босим остида бажарилади[5,6]. Юқоридаги паталогиялар билан бир қаторда ишчиларда периферик нерв тизими касалликларига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб бугунги замонавий чорвачилик комплексида ишчи хизматчилар меҳнати 3.1 ва 3.2 синфларга мансуб зарарли иш шароити билан боғлиқ касблар турига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баскаков Э. Н. Организационные мероприятия и устройства для снижения загазованности воздуха в животноводческих помещениях на примере ооо опх " красная звезда" Орловской области //Экономика и социум. – 2017. – №. 6-1 (37). – С. 242-246.
2. Беляева О. А. Гигиена труда и профессиональная заболеваемость на предприятиях лесозаводска //Здоровье. Медицинская экология. Наука. – 2015. – Т. 62. – №. 4. – С. 70-74
3. Ibrohimov K. I. Hygienic Assessment of Microclimate Indicators in the Main Departments of the Livestock Complex// International Journal of Studies in Natural and Medical Sciences.-2023.-С. 21-25.
4. Ibrohimov K. I. Features of Labor in Agriculture //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. Voleme. – 2022. – Т. 2. – С. 87-91.
5. Ibrohimov KI. The Meal of Students //Indonesian Journal of Education Methods Development. - 2022. - Т. 20. - S. 10.21070 / ijemd. v20i. 629-10.21070/ijemd. v20i. 629.
6. Ibrohimov K. I. Health State of Workers of Cotton Enterprises, Structure of Diseases, Influence of Age and Work Experience //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 55-59.
7. Иброҳимов К. И. Чорвачилик Комплекслари Ва Фермаларда Ишловчи Ишчиларнинг Саломатлик Ҳолати, Касалланишлар Структураси, Ёш Ҳамда Иш Стажининг Таъсири //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 334-338.
8. Иброҳимов К. И. Чорвачилик Комплекслари Ва Фермаларда Ишловчи Ишчиларнинг Саломатлик Ҳолати, Касалланишлар Структураси, Ёш Ҳамда

- Иш Стажининг Таъсири //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 334-338.
9. Ibrohimov K. I. Research of Dust Content in the Air in Production Premises of a Grain Processing Enterprise //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 76-80.
10. Ibrohimov K. I. INCIDENCE RATES OF LIVESTOCK COMPLEX EMPLOYEES WITH INFECTIOUS DISEASES //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 225-229.
11. Иброҳимов К. И. ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИДА ЗАРАРЛИ ОМИЛЛАРНИ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛЛАР, ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕКШИРИШ ҲАЖМИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 19. – №. 10. – С. 181-187.
12. Ibrohimov K. I. *Effect of Smoking on the Mineralizing Ability of Oral Fluid*// INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES. - 2023/2/11. -Т. 2– №. 2.-С. 11-12
13. Ibrohimov K. I. Chorvachilik Komplekslari Xodimlarining Ish Sharoitlari. Brusellyoz Kasalligi Bilan Kasallanish Ko'rsatkichlari //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 20-23.
14. Ibrohimov K. I. Hygienic Assessment of Microclimate Indicators in the Main Departments of the Livestock Complex// International Journal of Studies in Natural and Medical Sciences.-2023.-С. 21-25.